Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 198 (20. 465) • 1989 йил 29 август, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Газчилар ютуғи

Сирдарё областидаги 2-қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи уй-жойларни, маданий-маиший объектларни газлаштиришда ойлик планидан ортиқ 40 минг сўмлик кўп иш бажарди.

Ўтган етти ой мобайнида эса газчилар 44 километр узунликдаги газ қувурлари ётқизиб, Янгиердаги 1195 хонадонга плита ўрнатишди. Бошқарманинг А. Ковалёв, В. Филин етакчилигидаги бригадалар айниқса самарали меҳнат қилмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ БОЛТИҚБЎЙИ РЕСПУБЛИКАЛАРИДАГИ АҲВОЛ ҲАҚИДА БАЁНОТИ

Литва ССР Олий Совети Германия—Совет шартномалари ва уларнинг оқибатларини ўрганиш комиссиясининг хулосаси 22 август куни Вильнюсда эълон қилинди. Бу шартномалар ғайриқонуний ва бинобарин ҳақиқий эмас, деб эълон қилинди, айни пайтда Литванинг ССРР составига қўшилиши Литва халқ сеймининг 1940 йил 21 июлда қабул қилинган декларацияси ҳамда Литва Совет Социалистик Республикасини ССРР составига қабул қилиш ҳақида 1940 йил 3 августда қабул қилинган ССРР Қонуни ғайриқонуний, юридик кучга эга эмас, деб айтилди.

ССРР халқ депутатлари томонидан тузилган тегишли комиссия ўз ишини тугалламай туриб шундай қилинди, ҳолбуки, бу комиссия Болтиқбўйи республикалари депутатларининг ташаббуси билан тузилган ва уларнинг вакиллари шу комиссияда қатнашмоқда. Комиссия ўз хулосаларини маълум қиладиган ССРР халқ депутатлари съезди бу масалани узил-кесил ҳал қилишини менсимай ана шундай қилинди.

Литва ССР Олий Совети комиссиясининг баёноти хусусий бир ҳодиса эмас. У Литва, Латвия ва Эстониядаги муайян кучлар сўнгги ойлар давомида тобора кўпроқ қайсарлик ва тажовузкорлик билан олиб бораётган ажралиб чиқишга қаратилган йўл билан бевосита боғлиқ. Халқ фронти ва унга яқин турувчи ташкилотлар 23 август куни ўтказган оммавий намойиш ана шу йўлнинг юқори чўққиси бўлиб, бу намойишнинг сиёсий моҳияти Болтиқбўйи республикалари халқларида Совет Иттифоқидан ажралиб чиқиш истагини уйғотишдан иборат.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети қуйидагиларни айтишни ўз бурчи деб билади.

Совет Болтиқбўйи республикаларида юз берган вазият тобора кўпроқ ташвиш уйғотмоқда. У ерда воқеаларнинг қандай тус олаётганлиги бутун совет халқининг, бутун социалистик Ватанимизнинг туб манфаатларига дахлдордир.

Қайта қуриш халқларнинг миллий ўзини англаши тез ўсиши учун қулай замин бўлди, уларнинг ўзларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги муаммоларни мустақил ҳал қила олишларига ишонч бағишлади. Кўпмиллатли катта совет оиласида ҳар бир халқнинг мамлакат бошқа халқлари билан эркин ва мутаносиб баҳамжиҳат ҳаракат қилишининг қайта қуриш вужудга келтираётган янги имкониятларидан фойдаланиб, миллий жиҳатдан қайта тикланиши Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатига мос бўлиб, бутун жамиятимизни янгилашнинг асосларидан биридир. Сўнгги вақтда иттифоқдош республикаларнинг суверенитетини мустаҳкамлаш, уни янги ва реал мазмун билан тўлдириш юзасидан қабул қилинган муҳим, принципиал аҳамиятга молик чора-тадбирлар ҳам айни ана шунга қаратилгандир.

Болтиқбўйи республикалари ана шу чуқур ўзгартишлар жараёнига фаол қўшилдилар. Меҳнат коллективлари ҳаракатга келди, жамият барча табақаларининг интеллектуал кучлари фаоллашди.

Бу ерда маълум босқичда демократия ва ошкоралик вазиятидан миллатчи, экстремист гуруҳлар фойдаланиб қолдилар ва аста-секин воқеаларнинг ривожланишини носоғлом йўналишга буриб юбора бошладилар. Улар ўзларининг миллий манфаатларининг ҳақиқий ифодачилари деб ҳисоблаб, ишни Болтиқбўйи республикаларини мамлакатнинг қолган қисмидан ажратиб қўйишга, бошқа халқлар билан алоқачонлар таркиб топган узвий алоқаларни узиб ташлашга аста-секин олиб кела бошладилар. Улар экстремистларга хос, ажралиб чиқиш позицияларидан туриб тобора ошкора гапира бошладилар. Тез орада улар режаларининг социализмга, советларга қарши туси намоён бўлиб қолди. Баъзи жойларда буржуазия даври ва фашистлар оккупацияси вақтидаги сиёсий тузилмаларни эслатувчи ташкилотлар пайдо бўлди. Аслида ҳокимиятнинг мувозий органлари тузила бошлади. Қўрқитиш тўғридан-тўғри алдаш ва нотўғри ахборот бериш, ҳатто қўшилмаган барча кишиларни, интернационализмга ва Совет Иттифоқининг яхлитлигига содиқ ҳар бир кишини маънавий террор қилиш, обрўсизлантириш практикага кириб келди. Оммавий ахборот воситаларининг бир қисми миллатчилик муҳитини қарор топтириш манбаига айланиб қолди.

Миллатчи арбоблар халқаро алоқалар эркинлигидан фойдаланиб хорижий ташкилотлар ва марказлар билан алоқа ўрнатдилар, бу билан аслида уларни ўз республикаларининг ички ишларига жалб қилдилар, гўё Болтиқбўйи халқлари учун ҳақиқатан ҳам нима кераклигини ғарбдаги шу одамлар яхшироқ биладигандек, гўё улар мамлакатимизга нисбатан ўзларининг яширин ва ошкора режаларига амал қилмай, балки ҳақиқатан ҳам совет кишиларининг фаровонлиги ҳақида жон куйдирадигандек, уларни ўз маслаҳатчиларига айлантирдилар.

Иш тўғридан-тўғри ваҳшиёна ҳаракат қилишгача, давлат рамзларини, ҳар қандай одобли инсон учун дахлсиз бўлган муқаддас нарсалар — Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган кишиларга ўрнатилган ёдгорликларни таҳқирлашга бориб етди.

Мамлакатнинг ҳамма томонидаги совет кишилари уларнинг тасаввуридаги латишлар, литвaликлар, эстонлар миллий анъаналарига қовушмайдиган ва ўзларининг ҳалоллиги, ўйлаб иш тутиши, инсоний муносабатларнинг маданиятли кишиларга хос нормаларига ҳурмати билан шуҳрат қозонган ана шу халқларнинг миллий характери учун ғоят ҳақоратли бўлган ана шундай ваҳшийликларни кўриб ҳамда бу ҳақдаги хабарларни ўқиб ажабланишдилар ва қайғурдилар.

Советларга қарши, бузғунчи ва аслида миллатларга қарши кучларнинг фаолияти, миллатчилик муҳити шунга олиб келдики, республикаларнинг давлат ҳокимияти даражасида давлатимизнинг федератив принципига зид келадиган, ана шу республикалардаги бошқа миллатларга мансуб аҳолини камситадиган Конституцияга зид ҳужжатлар қабул қилинди.

1989 йил 23 августдаги воқеаларнинг ташкилотчилари кайфиятларни чинакам миллатчилик ҳуружларига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Минглаб кишиларга тиқиштирилган шиорлар совет тузумига, русларга, КПССга, Совет Армиясига душманлик руҳида ёзилган.

Болтиқбўйида юз бераётган воқеаларни бутун мамлакатимизда турли миллатларга мансуб кишилар ачиниб кузатмоқдалар. Марказий Комитетга юз бераётган воқеалардан миллатчилик касали юқмаган оддий кишилар, литвaликлар, эстонлар, латишларнинг ўзлари ҳам жуда ачинаётганликлари ҳақида хатлар, аризалар, бошқа ахборотлар тобора кўпроқ келмоқда. Ҳатто оммавий тадбирларда қатнашаётган кишилар ҳам гўё советларга қарши ҳаракат ташкилотчиларининг режаларини тушунмайдилар ёки бу режаларга қўшилмайдилар ҳамда бошқа халқларнинг вакилларига ўзларининг дўстона, самимий муносабатларини таъкидлашга зўр бериб уринмоқдалар, миллатчи бошлиқларнинг атрофида уймаланиб юрганларнинг экстремистларга хос ва безорилик ҳаракатларидан ўзларини четга олмоқдалар ва бундай ҳаракатларни қоралаб мақдалар. Ҳар ҳолда оддий одамлар улкан ва буюк мамлакатдаги бошқа халқлар билан алоқани узишга даъват этаётганлари йўқ.

Бу эса ажралиб чиқишга қаратилган ҳаракатлар ўз халқларининг манфаатларини, уларнинг чинакам миллий ватанпарварлик ўзлигини англашини акс эттирмаётганлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Миллатчи кучларнинг фаолияти ҳозирнинг ўзидаёқ республика экономикасида жиддий йўқотишларга, миллатлараро ва ижтимоий кескинликка олиб келди. Баъзи жойларда чинакам граждан можароси, оғир оқибатларга олиб борадиган кўчаларгача оммавий тўқнашувларнинг реал хавфи вужудга келди.

Иллат газак ола бошлади. Болтиқбўйи халқлари тақдирига жиддий хавф рўжу қилмоқда. Миллатчи саркорлар уларни қандай ўпқонга бошлаётганликларини одамлар билишлари керак. Башарти улар ўз мақсадларига эришгудек бўлсалар, бунинг оқибатлари халқлар учун фалокатли бўлур эди. Уларнинг ҳаёт фаолиятининг ўзи хавф остида қолган бўлур эди.

Биз буни Болтиқбўйи халқлари олдидаги, Совет Иттифоқининг барча халқлари олдидаги масъулиятни ҳис этиб очиқ айтишимиз керак.

КПСС Марказий Комитети аввал бошданоқ Болтиқбўйи республикаларидаги қайта қуриш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини чуқур англаб етди. У раҳбарликни янгилаш ва унга янги кучларни олиб келиш зарурлигини вақтида кўра билди, замон руҳида ҳаракат қилишга, халқнинг эҳтиёжлари ва ташвишлари билан яшашга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг кечиктириб бўлмайдиган муаммоларини тезроқ ҳал қилишга ёрдам берди. Республикаларнинг раҳбарияти жамоатчилик билан, аҳоли билан умумий тил топгандек, миллий шароитларни ҳисобга олиб ўзгартишларнинг имкониятлари ва йўлларини тўғри баҳолагандек эди.

Аммо шуни айтиш керакки, ана шу республикаларнинг раҳбарлари жараённи қайта қуришга доир ўзгаришларни нормал ўзанида тутиб туриш учун барча ишларни қила олмадилар. Улар салбий жараёнларни тўхтатишга, вазиятни тубдан ўзгартиришга, принципиал позицияларни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга, оппозициядаги кучлар режалари ва амалий ишларининг ҳалокатли эканлигига кишиларни ишонтиришга муваффақ бўлмадилар. Жамиятни миллий хусусиятлар ва эҳтиёжларни тўла ҳисобга олиб, қайта қуришнинг байналмилал негизида, умуминтифоқ ва умуминсоний қадриятлар асосида жипслаштирадиган тўғри йўл ғовларга дуч келди, бу ғовлар ҳали ҳам бартараф этилгани йўқ.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, партия комитетлари ва партия ходимларининг бир қисми қийинчиликлар олдида чекинди, қўли ишга бормай қолди, баъзилари эса ҳатто миллатчилик кайфиятига жўр бўла бошладилар, ажралиш режаларига қаршилик кўрсатишни сусайтирдилар.

Содир бўлган вазият Болтиқбўйидаги қайта қуриш жараёнини теран англаб олишни, унга реал ва жиддий тарзда баҳо беришни ва мазкур жараённи экстремизмдан, бузғунчилик тенденцияларидан ва зарарли тенденциялардан тозалаш учун дарҳол кескин чоралар кўришни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети Литва, Латвия ва Эстония халқларига, Она ер, тинчлик ва миллий тотувликни қадрлайдиган барча кишиларга мурожаат қилиб пайдо бўлган хатарнинг бутун чуқурлиги ва реаллигини уқиб олиш ва ҳис этишга, бутун мамлакатимиз тарихидаги ана шу бурилиш палласида масъулият ва донолик билан иш тутишга даъват этади.

Марказий Комитет ишчилар синфи ва деҳқонларга, ҳаётнинг моддий негизини яратаётган ҳамда ижтимоий ва миллий ларзалардан ҳамиша биринчи бўлиб ва ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ жабр тортадиган кишиларга мурожаат қилади — баҳамжиҳат бўлиб, биргаликда шу аҳволдан чиқиш йўлини қидириш ва топиш керак, миллатчилик васвасасига берилмасдан, жазавага тушган унсурларни тўхтатиб қўйиш лозим.

Ҳаммамизда муштарак қийинчиликлар кўп. Мамлакат, унинг экономикаси мураккаб аҳволда. Аммо, гўё «муҳожирлар ҳайдаб чиқарилганидан кейин», руслар, украинлар, белоруслар, поляклар, яҳудийлар ва бошқалар яъни ҳозир сиз билан ёнма-ён яшаётган ва меҳнат қилаётган кишилар нотенг аҳволга солиб қўйилганидан кейин, «СССРдан ажраб чиқилгач» литвaликлар, латишлар ёки эстонларнинг ҳаёти дарҳол тўкин-сочин ва ҳузур ҳаловатли бўлиб қолади, деб исботлашга уринаётганларнинг сўзларига ишонманг. Бу атайлаб айтилаётган ёлғондир! Бу — алдашдир.

Ҳар бир республика, ҳар бир регион бошқа республика ва регионлар билан, бутун мамлакат билан минг-минглаб хўжалик, ижтимоий, маданий, илмий-техникавий ришталар ва инсоний алоқалар билан боғлангандир. Мабодо бир варакайига ана шу ришталар узиб юборилса нима бўлади? Батамом равшанки, ҳеч ким бундан наф кўрмайди.

Ҳозир мамлакатимизда биринчи бўлиб, ҳақиқатан ҳам мустақил хўжалик юритишни ташкил этиш, ўзини ўзи таъминлаш, хўжалик ҳисобига ўтиш имконини олган Болтиқбўйи республикалари олдида ташаббускорлик, новаторлик учун, экономикани ривожлантириш ва турмушни яхшилаш учун жуда кенг уфқлар очилмоқда. Ҳозир давлат органларига ва республика аҳолисига ўз уйида ўзини хўжайин деб ҳис этиш ва шунга яраша иш тутишга халал бериб келган ўтмиш асоратлари ва ўша даврда содир бўлган бузилишларга барҳам берилмоқда.

КПСС Марказий Комитети ўз халқи ва улуғ мамлакатимиздаги барча халқларнинг бахт-саодати учун курашда шонли инқилобий байналмилалчи анъаналарга эга бўлган Латвия, Эстония, Литванинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари бу гал ҳам ўзларининг салмоқли сўзларини айтадилар, янги революцияни, қайта қуришни ҳимоя қиладилар, деб умид қиладилар.

КПСС Марказий Комитети Болтиқбўйидаги барча қардош халқларнинг зиёлиларига мурожаат қилиб, шу машаққатли кунларда ўзларининг чинакам маънавий мавқеларига яраша, халқлар ва умуман мамлакат олдидаги ўз масъулиятларига яраша иш тутишларига даъват этади. Зиёлилар душманлик ва қарама-қаршилик, одамларни камситиш ва ҳақорат қилишнинг эмас, балки эзгу орзуният ва ирода, ақл-идрок, бирлик ва одамлар тотувлигининг ифодачисидир. Ғам-ҳасратнинг бегонаси бўлмайди, шуни ҳамиша ёдда тутайлик!

КПСС Марказий Комитети сиз, азиз аёллар, оналар ва опа-сингилларга алоҳида ташвиш ва умид сўзлари билан мурожаат қилади: бу ёруғ оламда болаларга меҳр-оқибат қилишдан кўра ҳам улуғроқ ғамхўрлик борми? Болалар бошига сира фалокат тушмаслиги, болалар боши узра ҳамиша она парвона бўлиши, бутун жамият уларни ардоқлаши, эъзозлаши керак-ку, ахир, Сизларнинг меҳршафқатингиз, сизларнинг кундалик мурувватингиз, ақл-идрокингиз жамиятда ишонч ва баҳамжиҳат тикланишига ёрдам бериши керак. Ёшларга ижобий таъсир ўтказиш сизларнинг қўлингизда.

Биз халқ депутатларига мурожаат этиб, уларни давлат арбобига хос масъулият ва сиёсий етукликни намоён этишга, тангликни бартараф этиш учун ўз обрўсидан фойдаланишга даъват этамиз.

Биз Болтиқбўйидаги кўпмиллатли совет халқларининг ақл-идрокига мурожаат қиламиз. Муштарак манфаатларни кўзлаб, воқеаларнинг ҳалокатли боришини тўхтатиш, эсҳушни йиғиб олиш, қарама-қаршиликдан мулоқотга, мушкул, аммо зарур қарорлар ва муросалар йўлини қидиришга ўтадиган вақт келди!

КПСС Марказий Комитети Литва, Латвия ва Эстониянинг барча коммунистларига, партия ветеранларига, айни вақтда яқиндагина ўз тақдирини Ленин партияси тақдири билан пайванд этган кишиларга мурожаат қилади: сиз ҳайрихоҳлик ва инсоний мулоқот намуналарини кўрсатишингиз, одамларни тотувлик, жипслашиш зарурлигига ишонтиришингиз керак.

КПСС — табиатан бирлаштирувчи, ўз сиёсатида соғлом миллий манфаатларни мамлакатнинг умумий байналмилал тараққиётида ҳисобга олиб, жамлашга қодир бўлган кучдир. Бузғунчи кучлар партияни кучсизлантиришга жон-жаҳдлари билан уринишаётгани бежиз эмас. Чунки бу СССР халқлари жипслигининг бузилишини англатган бўлур эди. Чунки бу халқнинг асл манфаатларга сира алоқаси бўлмаган, ўзининг худбинлик мақсадларини кўзлаётган кишиларнинг қўлини узун қилиб қўйган бўлур эди.

Ҳаёт шундан далолат бериб турибдики, миллатлараро муносабатлар соҳасида тўпланиб қолган салбий муаммоларни ҳал этиш, ўтмишдаги хатоларни бартараф этишнинг якка-ягона йўли қайта қуриш, янгича фикрлаш талаблари ва руҳига жавоб берадиган миллий сиёсатни ишлаб чиқишдадир. КПСС шу масала хусусида ўз платформасини эълон қилиб, ана шундай сиёсатнинг негизларини умумхалқ муҳокамасига тақдим этди. Яқин орада Пленум ушбу муҳокаманинг якунларини чиқаради ҳамда мамлакат олий давлат ҳокимияти, яъни ССРР халқ депутатлари съездига ўз таклифларини тақдим этади.

Кўпмиллатли Ватанимиз тақдири учун, совет кишилари тақдири учун фавқулодда масъулият ҳозир бизнинг зиммамизга, яъни коммунистлар зиммасига тушмоқда. Ҳозир ҳар биримиздан ҳар қачонгидан кўра ҳам конкрет ишлар соҳасида матонат кўрсатиш, партиявий ўртоқлик, кучларни бирлаштириш, қайта қуришга биргаликда кўпроқ ҳисса қўшиш талаб этилмоқда, қайта қуришсиз эса миллий муаммоларни ҳам, миллатлараро муаммоларни ҳам ҳал қилиб бўлмайди.

Шундай палла келдики, ҳар бир коммунист принципиал партиявий позицияни эгаллаши ва ҳозир ўз халқи олдида ва бўлажак авлодлар олдида юзи ёруғ ва виждони пок бўлиши учун шунга яраша ҳаракат қилиши керак.

Бизнинг бугунги муштарак бурчимиз ана шундай.

Совет халқларининг ягона оиласини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафларининг бирлигини асраб қолайлик!

Дунё овози

● СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ҚАДИМИЙ МАСКАН

Чехословакиянинг ҳар бир райони ўзининг азалий анъанасига ва маданиятига эга. Бунга мамлакатда шу пайтгача авлоддан-авлодга етиб келаётган ва яхши сақланаётган тарихий ҳамда архитектура ёдгорликлари яхши мисол бўла олади.

Чунончи, мамлакатнинг қатор диққатга сазовор жойларидан бири бўлган Шарқий Словакиядаги ўрта аср ёдгорликларидан бири Красно Горно қасрини олайлик. У 1318 йилдан сўнг қурилган ва кейинчалик реконсанс усулида қайта жиҳозланган эди. Эндиликда у мамлакатнинг энг гавжум ва маданий масканларидан бири бўлиб қолди. Унинг бағрига жойлашган музейнинг ўзида 3 мингдан ортиқ экспонат бор. Бу ерга келувчи меҳмонлар ҳамда сайёҳларнинг диққатини тортадиган бошқа манзаралар ҳам кўп. Шунинг учун Чехословакиянинг турли жойларидан ҳамда чет эллардан келаётган сайёҳлар бу қасрни албатта зиёрат қиладилар.

Суратда: Красно Горно қасрида.

ЧТК—ТАСС сурати.



ПАРТИЯДАГИ АКТУАЛ ВАЗИФА

БЕЛГРАД. Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида мамлакатдаги актуал ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳамда бу соҳада партия олдида турган вазифаларни кўриб чиқди.

Иқтисодий системада бошланган ислоҳот, деб таъкидланди мажлисда, халқ хўжалигида сифат жиҳатдан янги жараёнларни бошлаб беради, уни социалистик бозор экономикаси изига ўтказиш учун шароит яратади. Сўнгги вақтда ишлаб чиқаришни, экспортни кўпайтиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда, мамлакатнинг ташқи қарзини камайтиришда муайян ижобий силжишлар кўзга ташланди. Бироқ янги ечимлар ҳозирча амалий ишда қарор топгани йўқ, ҳали кучли қаршилик кўрсатилмоқда, ислоҳотни амалга оширишда бюрократик ёндашув бартараф этилмаган.

ЮКС Марказий Комитетининг президиуми пулнинг қадрсизланиш даражаси жуда юқорилиги экономикада бундан бўёнги ўзгартишларни амалга оширишга анча тўсқинлик қилаётганини таъкидлади. Кризис ҳолатлари жамиятда норозилик кайфиятининг кучайишига олиб боради, бундай норозилик кўпинча сиёсий тус олмоқда. Вужудга келаётган қийинчиликлар — иқтисодий системани ислоҳ қилишнинг таркибий қисми сифатида ўхшаш сиёсатнинг йўқлиги ва ҳозирги иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. Бундай шароитда ЮСФР скупшчинаси (парламент) яқин вақт ичида пулнинг қадрсизланишига қаратилган равшан, комплекс ва конкрет программани қабул қилиши лозим, деб ҳисоблайди ЮКС Марказий Комитетининг президиуми.

ЗЎРОВОНЛИК ВА БЕБОШЛИККА ҚАРШИ

Барча босиб олинган араб территорияларида Исроил босқинчиларининг бебошлиги ва зўравонлигига қарши оммавий намойишлар ҳамон давом этмоқда.

Кўпчилик шаҳарлар ва аҳоли пунктларида намойишчилар Исроил қўшинлари билан юзма-юз тўқнашиб турибди. Исроил қўшинлари намойишларда иштирок этаётган Фалестин арабларини автоматлардан ўққа тутмоқдалар, милтиқ қўндоқлари ва бошқа қуроллар билан аёвсиз калтакламоқдалар.



Исроил тузумига нисбатан норозилик ҳаракатлари учун халқдан ўч олиш кун сайин авж олиб бормоқда. Чунончи, яқинда Исроил ҳукумати мудофаа министрлиги учун яна қўшимча маблағ ажратди. Қўшимча ажратилган пул миқдори 75 миллион долларга тўғри келади. Бу фалестинликларнинг 1987 йилнинг декабридан то шу пайтгача давом этиб келаётган ҳўкумронининг узил-кесил бостиришга мўлжалланган.

Матбуотнинг хабар қилишича, кўпгина сиёсий кузатувчилар Исроилнинг бундай хатти-ҳаракатини истиқболсиз уриниш деб ҳисобламоқдалар. Чунки, Исроил ҳазмкасидан бундай мақсад учун шу пайтгача бир миллиард доллардан ортиқроқ пул сарфланди. Буларнинг ҳаммаси зое кетди. Исроил ҳарбий идорасининг бошлиғи И. Рабиннинг талабига кўра, фалестинликларга қарши бундан буён олиб борилаётган кураш учун яна 900 миллион доллар пул керак эмиш.

Фалестин проблемасини тинч сиёсий йўл билан ҳал қилишдан бош товлаш, зўравонлик ва куч ишлатиш, босқинчилик сиёсатини давом эттириш ҳеч қандай ижобий натижа бермаслигини Исроил министрлар кабинети ҳамон тан олмаяпти.

Суратда: фалестинликларнинг оммавий намойиши.

ТАСС сурати.

Сухартонинг СССРга визити хусусида

Индонезия президенти Сухартонинг Совет Иттифоқига қиладиган расмий визити икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун, жумладан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ёзди Индонезия марказий матбуоти.

Жаҳон ҳамжамияти қуролсизланиш даврига қадам қўяётган шароитда Индонезия давлати бошлиғининг Совет Иттифоқига ташрифи катта халқаро воқеа бўлиб, ССРРда ижобий концепцияларнинг тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида олға силжишига кўмаклашади, деб ёзади «Мердека» газетаси.

«Индонезия таймс» газетаси Москвада бир қанча иқтисодий битимлар имзоланиши мумкин деб умид билдириб, денгизда балиқ овлаш соҳасида ССРР билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан ва савдо алоқаларидан Индонезиянинг манфаатдорлигини таъкидлайди.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ҚАРОРИ

«Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида» ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

1. «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари сайлови ҳақида» ва «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайлови тўғрисида» Ўзбекистон ССР қонунларининг лойиҳалари маъқуллансин. Қонунларнинг лойиҳалари халқ муҳокамаси учун 29-31 августда республика ва область газеталарида эълон қилинсин.

2. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми, халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетлари, республика матбуот органлари, телевидение ва радио қонунларнинг лойиҳалари юзасидан халқ депутатлари, гражданлар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари киритган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиришни ташкил қилсинлар.

Қонунларнинг мазкур лойиҳалари юзасидан таклифлар ва мулоҳазаларнинг умумлаштирилган материаллари 1989 йил 10 октябрга қадар ҳар беш кунда бир марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этилсин.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси Советларнинг иши масалалари бўлими билан биргаликда муҳокама давомида тушадиган таклифлар ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, ана шу таклиф ва мулоҳазаларга мувофиқ равишда мазкур қонунларнинг лойиҳаларига 1989 йил 15 октябрга қадар зарур тузатишлар ва қўшимчалар киритиб, уларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига тақдим этсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 25 август.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Социалистик демократияни, халқнинг ўзини-ўзи бошқаришини ривожлантириш, сайлов системасини, халқ депутатлари Советлари ҳамда суд органлари структураси ва фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Конституциясига қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. «Халқ депутатлари Советларининг системаси ва фаолияти принциплари» деган 9-бобнинг 83, 84, 85, 86 ва 87-моддалари қуйидагича таҳрирда баён қилинсин:

«83-модда. Халқ депутатлари Советларининг ваколат муддати — 5 йил.

Халқ депутатлари сайлови давлат ҳокимияти тегишли органлари ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой илгари тайинланади.

84-модда. Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалалар Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари сессияларида ҳал қилинади ёки улар томонидан ялпи овозга қўйилади.

Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тегишли Советларнинг раисларини сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳар), посёлка, қишлоқ, овул Советларидан ташқари халқ депутатларининг маҳаллий Советлари ўз президиумларини сайлайдилар.

Халқ депутатлари Советлари доимий комиссияларни тузади, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларни, шунингдек ўзларига ҳисоб берувчи бошқа органларни тузади.

Халқ депутатлари Советлари сайлаб ёки тайинлаб қўядиган мансабдор шахслар ўз лавозимларини сурункасига икки муддатдан ортиқ эгаллай олмайдилар.

Ҳар қандай мансабдор шахс ўз хизмат бурчларини тегишлича бажармаган тақдирда эгаллаб турган лавозимларидан муддатидан олдин бўшатилиши мумкин.

85-модда. Халқ депутатлари Советлари давлат контролини корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда меҳнаткашларнинг жамоат контроли билан қўшиб олиб борадиган халқ контроли органларини тузади.

Халқ контроли органлари қонунларнинг, давлат программалари ва топшириқларининг бажарилишини текширади, давлат интизомининг бузилишига, маҳаллийчилик, ишга маҳкамачилик манфаатларини кўзлаб ёндашиш кўринишларига, хўжасизлик ва исрофгарчилик, сансалорлик ва бюрократизмга қарши кураш олиб боради, бошқа назорат органларининг ишини мувофиқлаштириб туради, давлат аппарати структураси ва ишини такомиллаштиришга ёрдам беради.

86-модда. Халқ депутатлари Советлари давлат, хўжалик, ижтимоий-маданий ва миллий қурилишнинг барча соҳаларига бевосита ҳамда ўзи тузадиган органлар орқали раҳбарлик қилади, қарорлар қабул қилади, уларнинг ижросини таъминлайди, қарорларнинг амалга оширилишини назорат этади.

87-модда. Халқ депутатлари Советларининг фаолияти масалаларни коллектив бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошкоралик, ижро қилувчи ва бошқарувчи органларнинг, Советлар тузадиган бошқа органларнинг Советларга ва аҳолига мунтазам ҳисоб бериб туриши, гражданларни уларнинг ишида қатнашишга кенг кўламда жалб этиш асосида қурилади.

Халқ депутатлари Советлари ва улар тузадиган органлар жамоатчилик фикрини ҳисобга олади, умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга молик энг муҳим масалаларни гражданларнинг муҳокамасига қўяди, ўз ишлари ва қабул қилинган қарорлар ҳақида гражданларни мунтазам хабардор этиб туради».

2. «Сайлов системаси» деган 10-бобнинг 88, 89, 93, 94, 95-моддалари қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

«88-модда. Барча халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлови бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

89-модда. Депутатлар сайлаш умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон ССРнинг 21 ёшга тўлган граждани Ўзбекистон ССР Олий Советининг халқ депутати қилиб, Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган граждани халқ депутатлари маҳаллий Советининг депутати қилиб сайланиши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касалликка чалинган гражданлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон ССР граждани бир вақтнинг ўзида халқ депутатларининг иккитадан ортиқ Советига депутат бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари составига кирувчи кишилар, ана шу органларнинг раисларидан ташқари, идораларнинг, маҳаллий Советлар ижроия комитетлари бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарлари ҳамда раҳбарларнинг ўринбосарлари, судьялар ва давлат арбитрлари ўзларини тайинлаб ёки сайлаб қўядиган Советнинг депутатлари бўла олмайдилар.

93-модда. Халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентлари ва ўқувчилари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар коллективларига, истиқомат жойларида сайловчилар йиғилишларига ва ҳарбий қисмларда ҳарбий хизматчилар йиғилишларига берилади.

Депутатликка номзодлар сони чекланмайди. Сайловолди йиғилишининг ҳар бир қатнашчиси муҳокама қилиш учун ҳар қандай номзодни, шу жумладан ўз номзодини ҳам таклиф қилиши мумкин.

Сайлов бюллетенига исталганча номзод киритилиши мумкин.

Сайловга тайёргарлик давомида сайлов округи вакилларининг конференциялари ташкил этилиши мумкин. Бу конференциялар депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун тегишли сайлов комиссияларига тақдим этади.

Халқ депутатлари Советларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлади.

94-модда. Халқ депутатлари Советларига депутатлар сайлаш территориал сайлов округлари бўйича ўтказилади. Сайловга тайёргарлик очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Халқ депутатлари Советларига сайлов ўтказишни меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, ўқувчилар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари студентлари билан биргаликда ўқитувчилар ва хизматчилар коллективларининг, истиқомат жойларидаги сайловчилар йиғилишлари ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари таъминлайдилар.

Гражданларга, меҳнат коллективларига ва жамоат ташкилотларига депутатликка номзодларнинг сиёсий, ишчанлик ва шахсий фазилатларини эркин ва ҳар томонлама муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение, радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши ташвиқот ўтказиш ҳуқуқи гарантияланади. Барча депутатликка номзодлар сайловолди кампаниясида тенг ҳуқуқларга эгадир.

Халқ депутатлари Советларига сайловни ўтказиш тартиби ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса — шунингдек Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

95-модда. Сайловчилар ва жамоат ташкилотлари ўз депутатларига наказлар берадилар.

Халқ депутатларининг тегишли Советлари наказларни кўриб чиқадилар, иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш ҳамда бюджетни тузишда, шунингдек бошқа масалалар хусусидаги қарорларни тайёрлашда уларни ҳисобга оладилар, наказлар бажарилишини ташкил қиладилар ҳамда улар қандай бажарилаётганидан гражданларни хабардор қилиб турадилар».

3. 12-боб қуйидагича баён этилсин:

«12-боб.

Ўзбекистон ССР Олий Совети

101-модда. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимиятининг олий органи Ўзбекистон ССР Олий Совети бўлиб, у ўз фаолиятида қонун чиқариш, фармойиш бериш ва назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган ҳар қандай масалани қараб чиқиш учун қабул қилиш ва ҳал этишга ҳақлидир.

102-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети:

1) Ўзбекистон ССР Конституциясини қабул қилади ва унга ўзгартишлар киритади;

2) Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни қабул қилади;

3) СССР сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайди;

4) Ўзбекистон ССР маъмурий-территориал тузилиши масалаларини ҳал этиш тартибини белгилайди, областлар тузади ва уларни тугатади;

5) Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловни тайинлайди ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи марказий сайлов комиссиясининг составини тасдиқлайди;

6) халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни ва район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари сайловини тайинлайди;

7) Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосарини сайлайди.

8) Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини тайинлайди, унинг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг составини тасдиқлайди, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг составига ўзгартишлар киритади; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР министрликларини ҳамда давлат комитетларини тузади ва тугатади;

9) Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетини, Ўзбекистон ССР Олий судини, шунингдек область ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини сайлайди, Ўзбекистон ССР Бош давлат арбитрини тайинлайди, Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи коллегиясини тасдиқлайди;

10) Ўзбекистон ССРнинг конституцион назорат комитетини сайлайди;

11) ўзи тузадиган ёки сайлайдиган органларнинг, шунингдек ўзи тайинлайдиган ёки сайлайдиган мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини мунтазам тинглаб боради;

12) бутун Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган масалалар қонун йўли билан бир хилда тартибга солинишини таъминлайди;

13) мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалиги ва социал-маданий қурилишни бошқаришни ташкил этишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлаш, нарх белгилашни, солиқ солишни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ва табиий ресурслардан фойдаланишни, гражданларнинг конституцион ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш тартибини, шунингдек бошқа ижтимоий муносабатларни Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқи доирасида қонун йўли билан тартибга солиб туради;

14) халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятини йўлга солиб туради, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади;

15) Ўзбекистон ССР қонунларини талқин этади;

16) давлат ҳокимияти ва бошқарувининг республика ҳамда маҳаллий органларини тузиш ва улар фаолиятининг тартибини белгилайди, Қорақалпоғистон АССР территориясида жойлашган органлар бундан мустаснодир; буларни сақлаб туриш учун харажатларни белгилайди. Республика жамоат ташкилотларининг ва ижтимоий ташаббускор органларнинг ҳуқуқий статусини аниқлаб беради;

17) Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат планларини ва энг муҳим республика программаларини тасдиқлайди; Ўзбекистон ССР давлат бюджетини тасдиқлайди, план ва бюджет қандай бажарилаётганлигини назорат қилади, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди; зарур бўлган тақдирда план ва бюджетга ўзгаришлар киритади;

18) Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини ратификация ва денонсация қилади;

19) Ўзбекистон ССР давлат мукофотларини таъсис этади;

20) амнистия тўғрисида республика ҳужжатларини чиқаради;

21) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонлари ва қарорларини, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг фармойишларини, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишларини бекор қилади;

22) Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари, шунингдек халқ депутатлари область, Тошкент шаҳар Советларининг қарорлари қонунга мос келмаган тақдирда уларни бекор қилади;

23) Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

103-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети қонунлар ва қарорлар қабул қилади. Ўзбекистон ССР қонунлари Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан ёки Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган халқ овоз бериши (референдум) йўли билан қабул қилинади.

104-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети сайловчилар сони тенг бўлган сайлов округлари бўйича сайланади ва 500 депутатдан иборат бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзи сайлайдиган мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатини тўғри деб топиш ҳақида, сайлов тўғрисидаги қонун бузилган тақдирда эса айрим депутатларнинг сайланишини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида қарор қабул қилади.

105-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан бир йилда камида уч марта навбатдаги сессияга чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг, Қорақалпоғистон АССР ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали киритган таклифга мувофиқ, ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети составининг камида учдан бир қисми ташаббусига биноан чақирилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси Олий Совет мажлисларидан, шунингдек ана шу мажлислар ўртасидаги даврда ўтказиладиган Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари ва бошқа комиссияларининг мажлисларидан иборатдир.

106-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи мажлисга сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай чақирилади.

Ваколат муддати тугагач, Ўзбекистон ССР Олий Совети янги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети иш бошлагунга қадар ўз ваколатини сақлаб қолади.

107-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советида қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқи Ўзбекистон ССР депутатлари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали, Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссиялари ва бошқа комиссиялари, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Ўзбекистон ССР прокурори, Ўзбекистон ССРнинг Бош давлат арбитри эгадирлар.

Жамоат ташкилотлари ўзларининг республика органлари орқали ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам қонун чиқариш ҳуқуқига эгадир.

108-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети қараб чиқиши учун киритилган қонунларнинг лойиҳалари ва бошқа масалалар унинг мажлисларида муҳокама этилади.

Зарур ҳолларда қонун лойиҳаси ёки тегишли масала дастлабки суратда ёхуд қўшимча тарзда қараб чиқиш учун бир ёки бир неча комиссияга топширилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон ССР қонунларини, Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларини ёқлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овоз берган бўлса, улар қабул қилинган деб ҳисобланади.

Қонунларнинг лойиҳалари ҳамда давлат ҳаётига тааллуқли бошқа муҳим масалалар Ўзбекистон ССР Олий Советининг ташаббуси билан ёки Қорақалпоғистон АССР ўз давлат ҳокимияти олий органи орқали киритган таклиф асосида Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарор билан халқ муҳокамасига қўйилиши мумкин.

109-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисоб берадиган, Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишини ташкил этишни таъминлайдиган ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясида ва Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган доирада бошқа ваколатларни амалга оширадиган органдир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми составига лавозимига кўра қуйидагилар киради: Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси бошчилик қилади.

110-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми:

1) Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларини чақиради;

2) Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияларига тайёргарликни уюштиради;

3) Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари ва бошқа комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб туради;

4) Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беради ва уларни зарур ахборотлар билан таъминлайди;

5) Ўзбекистон ССР Конституциясига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади ва Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ва қонунларининг ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституциялари ва қонунларига мувофиқ бўлишини таъминлайди;

6) Халқ овоз бериши (референдумлар)ни тайёрлаш ва ўтказишни, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳаларини ва давлат ҳаётининг бошқа муҳим масалалари лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасига тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этади;

7) Ўзбекистон ССРнинг фахрий унвонларини беради, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлайди;

8) Ўзбекистон ССР гражданлигига қабул қилади, бошпана бериш масалаларини ҳал этади;

9) Ўзбекистон ССР судлари ҳукм қилган гражданларни афв этади;

10) Ўзбекистон ССРнинг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик вакилларини тайинлайди ва чақириб олади;

11) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳузуридаги чет давлатлар дипломатик вакилларининг ишонч ёрлиқларини ва чақириб олиш ёрлиқларини қабул қилади;

12) СССРни ҳимоя қилиш ва СССР гражданларининг хавфсизлигини муҳофаза этиш манфаатларини кўзлаб Ўзбекистон ССР территориясида ҳарбий ҳолат ёки фавқулодда ҳолат эълон қилиниши масалаларини СССР Олий Совети Президиумида кўриб чиқишда иштирок этади;

13) областларнинг чегаралари ва районларга бўлинишини белгилайди ва ўзгартиради, областларда районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар тузади, шаҳарларнинг бўйсунишини белгилайди, районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктларининг номини ўзгартиради;

14) Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси қабул қилган бошқа актларни ўзбек ва рус тилларида, Қорақалпоғистон АССР учун эса — қорақалпоқ тилида ҳам эълон қилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми фармонлар чиқаради ва қарорлар қабул қилади.

111-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Ўзбекистон ССРдаги олий мансабдор шахсдир ва у ССР Иттифоқида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон ССР номидан иш юритади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга ва сурункасига кўпи билан икки муддатга сайланади. У исталган вақтда яширин овоз бериш йўли билан СССР Олий Совети томонидан чақириб олиниши мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисоб беради.

112-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси:

1) Ўзбекистон ССР Олий Совети кўриб чиқиши лозим бўлган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади, Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлисларига раҳбарлик қилади ва унинг ички тартибини бошқаради, Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган бошқа актларни имзолайди;

2) Ўзбекистон ССР Олий Советига республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар хусусида докладлар тақдим этади;

3) Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлаш учун номзод тақдим этади, шунингдек Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетининг шахсий состави тўғрисида таклифлар киритади;

4) Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси, Ўзбекистон ССР Бош давлат арбитри лавозимларига тайинлаш ёки сайлаш учун номзодларни тақдим этади;

5) музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон ССРнинг халқаро шартномаларини имзолайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси берган ваколатга кўра унинг айрим вазифаларини бажарадилар ва Раис ҳозир бўлмаган ҳолларда ёки у ўз бурчларини бажариши имконияти бўлмаган тақдирда унинг ўрнига иш олиб борадилар;

113-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети қонун лойиҳасига оид ишларни юритиш, Ўзбекистон ССР Олий Советига тааллуқли бўлган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг бошқа қарорларини амалга оширишга ёрдам бериш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш учун депутатлар орасидан доимий комиссиялар сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети, ўзи зарур деб топган ҳолларда, ҳар қандай масала хусусида тергов, ревизия комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;

114-модда. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонунлари ва бошқа қарорлари одатда ушбу қонунлар ва қарорларнинг лойиҳалари Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларида дастлабки тарзда муҳокама этилгандан кейин қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составидаги Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети, Ўзбекистон ССР Олий Суди, шунингдек Ўзбекистон ССР Давлат арбитражи коллегиясидаги мансабдор шахсларни тайинлаш ва сайлаш, хукумат томонидан тайёрланган планлар, Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг муҳим республика программалари, Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети, шунингдек тасдиқланган план, бюджет, комплекс программаларни ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон ССР Олий Совети тегишли доимий комиссияларининг хулосалари мавжуд бўлгандагина тасдиқланади.

Барча давлат ва жамоат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар Ўзбекистон ССР Олий Совети комиссияларининг талабларини бажаришлари, уларга зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни беришлари шарт.

Комиссияларнинг тавсияномаларини давлат ва жамоат органлари, муассасалар ва ташкилотлар албатта кўриб чиқишлари керак. Кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган тадбирлар ҳақида комиссияларга улар белгилаган муддатда хабар берилиши лозим.

115-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларида Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР Олий Совети тузган ёки сайлаган бошқа органларнинг раҳбарларига, шунингдек Ўзбекистон ССР территориясида жойлашган, умумиттифоққа бўйсунувчи ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига Ўзбекистон ССР ихтиёрига берилган масалалар хусусида сўров билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Сўров берилган орган ёки мансабдор шахс Ўзбекистон ССР Олий Советининг мазкур сессиясида узоғи билан уч кун ичида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзбекистон ССР Олий Советида, унинг комиссияларида, шунингдек аҳоли ўртасида депутатлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган муайян муддатга хизмат ёки ишлаб чиқариш бурчларини бажаришдан озод этиладилар. Зарур бўлиб қолганида депутат Ўзбекистон ССР Олий Советидаги ўзининг бутун ваколати даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш бурчларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ўзбекистон ССР Олий Советининг розилигисиз, Олий Совет сессиялари ўртасидаги даврда эса Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд йўли билан белгиланадиган тартибда маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

116-модда. Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетини Ўзбекистон ССР Олий Совети сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислардан ўн йил муддатга раис, раиснинг ўринбосари ва комитетнинг 9 аъзосидан, шу жумладан Қорақалпоғистон АССР вакилидан иборат составда сайлайди.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетига сайланган шахслар айни вақтда қабул қиладиган ҳужжатлари комитет назорат этадиган органлар составига кира олмайдилар.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетига сайланган шахслар ўз вазифаларини адо этиш чоғида мустақилдирлар ва фақат Ўзбекистон ССР Конституциясига бўйсунадилар.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитети:

1) ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига кўра Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети кўриб чиқиши лозим бўлган Ўзбекистон ССР қонунлари лойиҳаларининг Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосалар тақдим этади;

2) ўз ташаббуси билан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига кўра ёки Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органининг таклифига кўра Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети тегишли актларининг, шунингдек ушбу органлар актлари лойиҳаларининг ССР Иттифоқи, Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосалар тақдим этади;

3) Қорақалпоғистон АССР Конституцияси ва қонунларининг, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети қарорлари ва фармойишларининг, халқ депутатлари маҳаллий Советлари қарорларининг Ўзбекистон ССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлигини кузатиб боради;

4) ўз ташаббуси билан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг топшириғига кўра ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органи таклифларига кўра бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари актларининг ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ҳамда ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулосалар беради.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитети актнинг ёки мазкур акт айрим қоидаларининг ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунларига зидлигини аниқлаганида актни эълон қилган органга йўл қўйилган камчиликни тузатиш учун ўз хулосасини юборади. Комитет томонидан шундай хулосанинг қабул қилиниши ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунига зид бўлган акт ёки мазкур акт айрим қоидаларининг ижро этилишини тўхтатиб қўяди.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки Ўзбекистон ССР Министрлар Советига уларга бўйсунган органлар ёки мансабдор шахсларнинг актлари ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституцияларига ёки ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунига зид бўлгани учун уларни бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон ССР конституцион назорат комитетини ташкил этиш ва мазкур комитет фаолияти тартиби қонун билан белгиланади.

117-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ўзига бўйсунган барча давлат органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республикадаги Халқ контроли органлари системасига бошчилик қилаётган Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети фаолиятини бошқариб туради.

Халқ назорати органларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг тартиби Ўзбекистон ССРнинг халқ контроли тўғрисидаги қонуни билан белгиланади.

118-модда. Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг органлари фаолият тартиби Ўзбекистон ССР Олий Советининг регламенти ва ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Конституциялари асосида чиқариладиган Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунлари билан белгиланади.

4) «Суд ва арбитраж» деган 20-бобнинг 163, 164, 166-моддалари қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

«163-модда. Ўзбекистон ССРда ҳамма судлар судьяларни ва халқ маслаҳатчиларини сайлаш асосида тузилади.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари халқ депутатлари тегишли юқори Советлари томонидан сайланади.

Ўзбекистон ССР Олий судининг судьялари, область судларининг судьялари ва Тошкент шаҳар судининг судьялари Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон АССР Олий судининг судьялари ва Қорақалпоғистон АССР территориясидаги район (шаҳар) халқ судларининг халқ судьялари Қорақалпоғистон АССР Олий Совети томонидан сайланади.

Район (шаҳар) халқ судларининг халқ маслаҳатчилари истиқомат жойларидаги ёки иш жойидаги гражданларнинг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан сайланади. Юқори судларнинг халқ маслаҳатчилари эса халқ депутатлари тегишли Советлари томонидан сайланади.

Барча судларнинг судьялари ўн йил муддатга сайланади. Барча судларнинг халқ маслаҳатчилари беш йил муддатга сайланади. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари ўзларини сайлаган органлар ёки сайловчилар олдида жавобгардирлар, улар ҳузурида ҳисоб берадилар ва шу органлар ёки сайловчилар томонидан қонунда белгиланган тартибда чақириб олинишлари мумкин.

164-модда. Ўзбекистон ССР Олий суди Ўзбекистон ССРнинг олий суд органидир ва Ўзбекистон ССР судлари суд фаолияти устидан қонунда белгиланган доирада назоратни амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий суди раисдан, унинг ўринбосарлари, аъзолари ва халқ маслаҳатчиларидан иборат.

166-модда. Судьялар ва халқ маслаҳатчилари мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг ўз ҳуқуқлари ва бурчларини монесиз ва самарали амалга оширишлари учун шароит таъминланади. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга ошириш йўлидаги фаолиятига ҳар қандай йўсинда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жазоланади.

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг дахлсизлиги, шунингдек улар мустақиллигининг бошқа кафолатлари СССРдаги судьяларнинг мақоми тўғрисидаги қонун билан ва ССР Иттифоқи ҳамда Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун актлари билан белгилаб қўйилади».

5. 97-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«97-модда. Олий Советлар ёки халқ депутатлари маҳаллий Советларининг сессиялари чоғида, шунингдек қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда депутат ўз депутатлик ваколатларини амалга ошириши учун ишлаб чиқариш ёки хизмат бурчларини адо этишдан озод қилинади ва депутатлик фаолияти билан боғлиқ ҳаражатлари тегишли республика бюджети ёки маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади».

6. 121-модда қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

«121-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳузурида жавобгардир ва унга ҳисоб беради.

Янгидан тузилган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига ўз ваколатлари муддатидаги бўлажак фаолияти программасини тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети йилига камида бир марта Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳузурида ўз иши тўғрисида ҳисоб беради».

7. 122-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР ихтиёридаги давлат бошқарувининг барча масалаларини ҳал этишга ҳақлидир, чунки бу масалалар Ўзбекистон ССР Конституциясига кўра Ўзбекистон ССР Олий Совети, унинг Президиуми ва Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ҳуқуқ доирасига кирмайди».

8. 124-модда қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«124-модда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети СССР қонунлари ва СССР халқ депутатлари съездининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон ССР қонунлари ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг бошқа қарорлари, СССР Министрлар Совети қарорлари ва фармойишлари асосида уларни ижро этиш учун қарорлар ва фармойишлар чиқаради, уларнинг ижросини текширади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорлари ва фармойишлари Ўзбекистон ССРнинг бутун территориясида ижро этилиши мажбуриятидир».

9. 126-модданинг тўртинчи қисмидаги «СССР ва Ўзбекистон ССР қонунлари, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва унинг Президиуми» деган сўзлар «СССР, Ўзбекистон ССР қонунлари ҳамда СССР халқ депутатлари съезди, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. 14-боб қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон АССР Олий Совети

128-модда. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимиятининг олий органидир, у ўз фаолиятида қонун чиқариш, идора этиш ва назорат вазифаларини амалга оширади.

129-модда. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети, унинг Президиуми, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Раисининг ваколатлари Қорақалпоғистон АССР Конституциясида белгилаб қўйилади».

130-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Қорақалпоғистон АССР Олий Совети олдида жавобгардир ва унга ҳисоб беради».

12. 138-моддадан: «Уларнинг ижроия комитетлари» сўзлари олиб ташлансин.

13. 16-боб қуйидаги мазмундаги 143-модда билан тўлдирилсин:

«143-модда. Халқ депутатлари область, район, шаҳар ва шаҳарлардаги район Советларининг ишини Советларнинг раислари бошчилик қиладиган президиумлар, шаҳарлар (районларга бўсунувчи шаҳарлар), посёлкалар, қишлоқлар ва овул Советларининг ишини эса ана шу Советларнинг раислари ташкил этадилар.

Президиумларнинг, халқ депутатлари шаҳар (районга бўсунувчи шаҳарлар), посёлка, қишлоқ ва овул Советлари раисларининг ваколатлари ва фаолият тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса — шунингдек Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади».

14. 143 ва 144-моддалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«144-модда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро этувчи ва бошқарувчи органлари улар сайлайдиган ижроия комитетларидир. Ижроия комитетлари ўзларини сайлаган Советлар олдида, шунингдек меҳнат коллективларидаги ва гражданларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишларда йилига камида бир марта ҳисоб берадилар.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари уларни сайлаган Советларга, шунингдек юқори ижроия ва бошқарув органларига бевосита ҳисоб берадилар».

15. 145-модданинг иккинчи, учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ваколатлари ва фаолиятининг тартиби ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР қонунлари билан, Қорақалпоғистон АССРда эса — шунингдек Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади».

16. 180-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«180-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Давлат гимни Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланади».

17. 73-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73-модда. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси таркибига Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси киради. Ўзбекистон ССРда Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм областлари ва республикага бўйсунувчи Тошкент шаҳри бор».

• *Дилимиздаги гаплар*

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бугунги кунда республикамизда тобора кўпайиб бораётган меҳнат резервларидан оқилона фойдаланиш катта муаммо бўлиб турибди. Ҳақиқатан ҳам, меҳнат ресурсларининг ўсиши ва уларни ишчи ўринлари билан ҳамда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ўртасида катта узилиш бор.

Бу ҳол, аввало, мамлакатнинг иқтисодий ва умуман ижтимоий ҳаётидаги турғунлик даврининг натижаси бўлиб, бу республикамизга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Рақамларга мурожаат қилайлик: республикада ялпи ижтимоий маҳсулотнинг йиллик ўсиш ўртача суръати тўққизинчи беш йилликда 7,2 процент бўлса, ўн биринчи беш йилликда бу ўсиш икки баравар камайди. Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг йиллик ўсиши 3 процент ўсмоқда, ишлаб чиқарилган миллий даромад эса 1986 йилда 0,6 процент, 1987 йилда эса 0,3 процент ўсди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVI пленумида тўғри айтилганидек, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш жиддий орқада қолмоқда. Социал масалалар ҳам шунга яраша. Республика аҳоли жон бошига ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жиҳатидан иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткичдан икки баравар орқада қолмоқда. Масалан, аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш мамлакат бўйича 1987 йилда 1168 сўмни ташкил этган бўлса, бизда атиги 470 сўм бўлди.

Ўзбекистон қанчалик катта имкониятларга (ҳом ашё ва меҳнат ресурслари) эга эканлиги ҳаммага маълум. Масалан, биз иттифоқ бўйича етиштириладиган пахтанинг 65 процентини, пилланинг 60 процентини, қоракўл терининг 35 процентини етиштирамиз. Етиштирилаётган сабзавот, полиз, хўл мева ва узум миқдори ҳам анча катта. Ўзбекистон рангли металлургия маҳсулоти етказиб берувчи асосий регионлардан биридир. Мис, рух, қалай, вольфрам, молибден, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар, табиий газ ва шу сингарилар. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эса жуда кам.

Бутун мамлакатимизда қайта қуриш тобора авж олаётган, иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари кенгаяётган, хўжалик ҳисоби ва иқтисодий ислоҳот жорий этилаётган ҳозирги шароитда ҳаммамиз ташаббус, ишчанлик кўрсатиб ишлашимиз ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал ривожлантиришни таъминламоғимиз лозим. Бу эса КПСС XXVII съезди, партия XIX конференцияси, СССР халқ депутатлари биринчи съезди ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XVI пленуми талабларига муносиб жавоб бўлади. Зеро, ўзбек халқи ва барча совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган талабларини тезроқ қондириш, экономика ва маданиятни равнақ топтириш учун ҳар қачонгидан ҳам зарур шароитлар яратилгандир.

С. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

САРСОНЛИК—САРГАРДОНЛИКДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми материалларини синчиклаб ўқиб чиқдим. Зеро, унда алоҳида уриғу берилиб айтилган муаммолар ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист амал қилиши лозим бўлган вазифалар билан уйғунлашиб кетган.

Дарҳақиқат, маҳаллий партия, совет ташкилотларида қайта қуриш тўғрисида гап кўп бўлиб, ишда, инсон тақдирига муносабатда амалий ўзгаришлар унчалик сезилмаяпти. Кишиларга нисбатан ишонч уларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлайди, ишончсизлик ва ҳолисона муносабатда бўлмаслик эса одамларнинг ҳафсаласини пир қилади. Шу туфайли биз қанчадан-қанча сафдошларимизни бой бермоқдамиз.

Бу ўринда мен бир мисол келтирмоқчиман. Ҳаёт Ҳайдаров 40 йилдан буён коллективимизда ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Бундан тўрт йил илгари қайси бир раҳбар ходимнинг адоват билан тухматга учраб, ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган эди. Тўқимачилик райони ички ишлар бўлими тергов пайтида бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилиб, уни КПСС сафидан ўчиришни талаб қилиб хат ёзади. Ҳайдаровни кўп йиллардан буён билган коммунистлар бунга рози бўлишмади. Бухоро район партия комитети эса бошланғич ташкилот қарорини бекор қилиб, мана шу бир энлик хат билан уни партия сафидан чиқаришни маъқул топди. Ноҳақ жабр кўрган коммунист ҳам бўш келмади. Ўнлаб ташкилотларга тухматнинг қурбони бўлаётганлиги ҳақида шикоят хатлари йўлланди. Пировардида шу йил 2 февралида республика олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси ҳукми билан тўла оқланиб чиқди. Ҳозир у яна коллективимизда меҳнат қилмоқда.

Бироқ, мана ярим йилдан ошяптики, унинг партия сафларига тиқланиши масаласи ижобий ҳал этилмаяпти. Ҳолбуки бошланғич партия ташкилоти май ойидаёқ Ҳ. Ҳайдаровни партияга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Район партия комитетининг бюроси эса коммунистларнинг фикрини яна инобатга олмади. Яқинда яна бўлиб ўтган бюро маълисида уни КПСС аъзолигига тиклаш юзасидан бошланғич ташкилот қабул қилган қарорни рад этди.

Бундан тўрт йил муқаддам коммунистни оппа-осонлик билан КПСС сафидан чиқарган райком бюроси аъзолари гарчи у ўзининг бегуноҳ инсонлигини исботлайдиган ўнлаб ҳужжатларни тақдим қилса ҳам, ҳақиқатни қайта тиклашни истамаётирлар. Бундай мисоллар бағритошлик ҳамон давом этаётганини, ҳатто коммунист ходим ҳам маъмурий органларда ўрнашиб олган айрим ғаразли кишилар тухматидан ўзини ҳимоя қила олмаётганлигини кўрсатмоқда. Партия ва совет ташкилотларининг обрўсини тиклаш учун унда ишлаётган ходимлар биринчи навбатда инсон тақдири учун сезгир ва куюнчак бўлишлари лозим.

Ҳ. САИДОВ,
Бухоро районидаги Ленин номли матлубот жамияти катта ревизори, бошланғич партия ташкилоти секретари ўринбосари.



Дўстлик районидаги Қ. Раҳимов номли совхозда 3613 гектар ерда «оқ олтин» етиштирилмоқда. Гектар бошига 27 центнер ўрнига 30 центнердан хирмон кўтаришмоқчи. Ҳосилнинг асосий қисмини техника ёрдамида йиғиб-териб олишга аҳд қилинган. Шунинг учун агрегатлар мавсумга шай қилиб қўйилмоқда. Техника ремонтида слесарлардан Ҳусан Холматов яхши ўрнак кўрсатиб ишлаяпти.

Суратда: Ҳ. Холматов.

У. Қўшвоқов сурати.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

Хива районидаги Беруний номли колхоз деҳқонлари барча мева ва сабзавот ҳосилини даланинг ўзида қайта ишламоқдалар. Олма, нок, олхўри, узум, помидор, бодринг ва бошқа маҳсулотлар кўчиб юрадиган консерва цехида қайта тайёрланмоқда.

Кўчиб юрадиган консерва цехи ғоят қулай. Бу катта юк автомобили кузовига ўрнатилган мосламадан иборат. Цех мевалар териб олинаётган жойга тўғридан-тўғри олиб борилади. Унда фақат бир неча кишигина хизмат қилади. Омилкорлик билан фойдаланилганда ҳар куни бир неча минг банка консерва тайёрлаш мумкин.

Бундай кўчиб юрадиган цехлар Хоразм областида афсуски жуда кам.

* * *

Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози сут-товар фермаси коллективи йилданйилга чорва маҳсулдорлигини ошириб бораётир. Яқинда ҳўжалик бўйича давлатга пландаги 386 тонна ўрнига 404 тонна серқаймоқ сут топширилиб, тўққиз ойлик топшириқ муддатидан олдин бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 71 тонна кўп демакдир.

Ҳар бир сигирдан пландагидан кўра 400 килограммдан кўпроқ сут соғиб олинди.

Илғор коллектив квартал охирига қадар планга қўшимча яна 45 тонна сут топшириш мажбуриятини олди.

Б. МАНСУРОВ.

* * *

Урганч пахта заводининг Чапаев номли қабул пункти ишчилари шу кунларда янги мавсумга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар янги қуритиштозалаш цехларини тайёр ҳолга келтириб қўйдилар. Бу эса тола сифатини янада яхшилаш учун яхши асосдир.

Тайёрловчилар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишни яхши ташкил этиш мақсадида бунтлар учун брезентларни етарли миқдорда тайёрлаб қўйишди. Мавсумда 10 минг тоннага яқин хом ашёни қайта ишлаш учун бошқа ҳамма зарур ишлар ҳам поёнига етказилди.

«Хорезмхлопкопром» бирлашмасига қарашли бошқа 30-та тайёрлов пунктида ҳам мавсумга яхши ҳозирлик кўрилди. Айниқса Хонқа, Хива, Гурлан районларининг пахта тозаловчилари мавсумга шайланиб турибдилар. (ЎзТАГ).

Урганч, 25 август. Ўрта Осиёдаги энг катта дарёнинг қуйи оқимида қирғоқларни бирлаштирган янги понтон кўприкдан дастлабки автомобиллар ўтди. Бу кўприкни икки кооператив — Москвадаги «Кировец» кооперативи билан Қорақалпоғистоннинг Беруний район марказида ишлаётган «Геркулес» кооперативи қурди.

Графикда кўзда тутилганидек сузма кўприк роса бир ойда қуриб бўлинди. Янги кўприк Хоразм воҳасининг чап соҳилидан ўнг қирғоққа, Қорақалпоғистон АССРнинг жанубий районларига борадиган йўлни бир неча ўн километр қисқартди. Бунинг устига кооператорлар Амударёдан ўтиш ҳақини анча камайтирдилар. Ўрта Осиё кемачилигининг паррми бу ерда ҳар бир кишидан бир сўмдан, транспорт воситасидан — эса икки сўмдан олар эди. Энди кўприк орқали ўтиш учун ҳар киши ярим сўм тўласа, транспорт воситаси учун бир сўм тўланади.

КООПЕРАТОРЛАР АМУДАРЁДА КЎПРИК ҚУРИШДИ

Ҳозир «Геркулес» кооперативи понтон кўприкнинг иккала томонида енгил машиналарга техника хизмати кўрсатиш пунктлари, бензин қуядиган станциялар, ошхоналар, бошқа сервис объектларини қурмоқда. Мастер М. Аметов, ишчилар М. Матёқубов, С. Рўзметов, Э. Жуманиёзов ва бошқалар бу ерда зарбдорчасига меҳнат қилишмоқда. Яқин ерда жойлашган давлат йўл хизмати — Беруний йўл-ремонт ва эксплуатация участкаси кўприксозларга катта ёрдам бермоқда. Уларнинг кучи билан кўприкка келадиган уч километрли йўлга асфальт ётқизилди, дарё қирғоқлари мустаҳкамланди.

Афсуски, сўл, Хоразм соҳилида бу ташаббусга бошқача муносабатда бўлинди, Урганч район ижроия комитети кўприкка борадиган йўлни қуришнинг шартномада кўзда тутилган муддатини бузди. Кўприкка бориш учун ярим километр йўлни ярим совтда босиб ўтишга тўғри келади. Ҳайдовчилар қийинчилик сезмоқдалар, машиналар бузилмоқда, атрофда чанг кўтарилиб сув ҳавзалари булғатилмоқда.

Оқим бўйлаб 60 километр қуйида Қоратов яқинида яна бир понтон кўприк қурилмоқда. Уни республика Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлигининг Хоразм йўл эксплуатация бошқармаси коллективи қурмоқда. Кўприкнинг узунлиги 400 метр бўлади, чунки у дарёнинг энг тор жойида қуриляпти. Бу кўприк Хоразм ва Тошовуз автохўжаликларининг кўп юк ортиладиган аграрма машиналари ўтишига мўлжалланган. Бундай машиналар Қоратов карьерларида қазиб чиқарилаётган қум-шағал, оҳак тош ва бошқа материалларни дарёнинг ўнг соҳилига ташиб ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу кўприкни октябрининг биринчи ўн кунлигида ишга тушириш мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ЭНГ ЯҚИН ДЎСТ

Ўзбекистон Китобсеварлар жамияти шу кунларда ўзининг IV съездига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Жамиятнинг III съездидан буён ўтган беш йил ичида бутун мамлакатимиз ҳаётида бўлгани сингари китобсеварлар жамияти ташкилотларида ҳам талай тадбирлар амалга оширилди. Шу беш йил мобайнида китоб ташвиқоти ва уни тарқатиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг қай даражада эканлигини, шунингдек бу тадбирлар бир неча йўналишда олиб борилганлигини кўрамиз.

Бу йўналишларнинг энг муҳими жамиятнинг таъсис қилинишида иштирок этган ташкилотлар, шунингдек, бошқа манфаатдор муассасалар билан китобни тарғиб қилиш ва уни аҳоли ўртасида кенг тарқатиш юзасидан ҳамкорликда олиб борилган ишлардир. Маданият министрлиги, Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси Давлат комитети, Ёзувчилар союзи, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда ўтказилган турли конкурс ва кўриклар шулар жумласидандир. Дарҳақиқат, жамиятнинг область ёки шаҳар, район ва бошланғич ташкилотлари сафида масъулиятли, малакали ва ташаббускор ходимлар ишлар экан жамиятимиз тўғрисидаги фикрлар ҳам яхши бўлиши, табиий. Жамоатчилик ўртасида яхши фикр уйғотаётган бундай ташкилотларимиз оз эмас.

Бироқ жойларда аъзолик бадаллари йиғишдан нарига ўтмаётган ташкилотларимиз ҳам бор. Системамиздаги ана шундай бўғинларнинг саёз фаолияти туфайли китобсеварлар жамияти тўғрисида салбий фикрлар туғилмоқда ва бу баъзан «бу жамият нима иш қилади ўзи, йиғиб олинган аъзолик бадаллари қаерга кетади, умуман шу жамият кераксиз ўзи?» деган савалларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Кўриниб турибдики, бу саволлар осмондан тушмаган ёки қандайдир «ёмон одамлар» томонидан тўқиб чиқарилмаган. Бинобарин, жамиятнинг аҳоли ўртасидаги обрў-эътибори унинг штатдаги ходимлари фаолиятига, кўп минг сонли фаолларига, уларнинг сидқидилдан қилган ишларига боғлиқ.

Биргина 1988 йил якунларини олиб кўрайлик. Бу китобсеварлар жамияти учун оддий йил бўлмади. Унинг бошқа йиллардан фарқи энг аввало давр билан ҳамнафаслигида, ўз фаолиятида қайта қуришни фаол бошлаб юборганлигида яққол кўзга ташланади. Муассасамиз ўтган йили мамлакатимиз кўнгилли жамиятлари орасида биринчи бўлиб тўла хўжалик ҳисобига ўтди, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш шароитида ишлади. Бу гаплар салгина ғалати туюлиши мумкин. Ахир жамоат ташкилоти билан хўжалик ҳисоби ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

Очиғини айтганда, мен ҳам шу кунгача бу ҳақда кўп ўйладим. Мана бир йил шундай шароитда ишлаб кўрдик. 1988 йил якунига қараб юқоридаги саволга жавоб топиш мумкин. Биз бу натижаларни 1987 йил якунлари билан солиштириб кўрдик. Мана, айрим қиёслар: шахсий бадаллар деярли етти процентга камайиб, пропаганда тадбирлари ўтказишдан олинган даромадлар 50 процентга ошган. Яъни жамият ташкилотлари фақат аъзолик бадаллари йиғиш билан қифояланиб қолмай «пул топиш» йўлларини ҳам ўрганиб олмоқдалар. Бу хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган ташкилотлар учун хос бўлган ижобий ҳолдир. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Биз одамларни мафкуравий тадбирга тақлиф қилиб, унда иштирок этган кишилардан пул талаб қиламиз.

Бизни ўйлатадиган яна бир муҳим масала бор. Ташкилотларимиз ўтказаётган ижодий учрашувлар, ўқувчилар конференциялари, адабий кеча ва бошқа шу сингари тадбирлар мароқли ўтаяптими, у китобсеварларга маъқул тушяптими? Ахир, ҳозир халқимиз маданияти, талаби тобора ошиб бораяпти. «Хўжа кўрсин»га ўтишдан ташвиқот-тарғибот тадбирлари ўтказишга атиги 215 минг сўм харажат қилинибди. Айниқса, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Бухоро, Сурхондарё областлари ташкилотлари фаолиятида бу дарров сезилади. Улар пул йиғишни билишади-ю, уни китобсеварлар дидига ёқадиган китоб байрамлари, адабий кечалар, суҳбатлар, учрашувлар ташкил қилишга сарфлаш ҳақида астойдил бош қотирмайдилар.

Албатта, кирим бор жойда, чиқим ҳам бўлади. Шу боис жамиятимиз фаолиятининг бошқа қирраларини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бошланғич ташкилотларимиз мамлакатимизда қулоч ёзган раҳмшафқатли бўлиш ҳаракатида фаол қатнашмоқда. Ногиронлар, етим-есирларни тақдирлаш учун 30 минг сўм сарф қилинди. Шунингдек, китобсеварлар жамияти Гулистонда, Урганчда, Самарқандда, Тошкентда қурилиб ишга туширилган китоб магазинларига 75 минг сўм пул ажратди. Аммо бу ишларнинг ҳаммаси асосий вазифамиз — китобни пропаганда қилиш ва тарқатиш йўналишидаги ишларимизга қўшимчадир, холос.

Бу соҳада Тошкент шаҳар ташкилотининг жўшқин фаолиятини айтиб ўтиш жоиздир. Бу ташкилотни китобсеварлар ҳаракатида ўзига хос илғор тажриба мактаби деб атасак лоф бўлмайди.

Китоб банки, китоб алмашлаш клуби, адабий калейдоскоп, тематик адабий-бадиий кечалар шу куннинг тақозоси билан вужудга келди. Китобсеварларга ёқиб қолган бу иш услублари жамиятимиз ташкилотлари орасида кенг ёйилмоқда. Яқинда семинар-кенгаш ўтказиб, тўпланган мазкур тажрибани ўртоқлашиб олдик. Бундай семинарлар кадрларимиз малакасини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Китобсеварлар жамияти жамоатчилик асосида иш тутади. Унинг фаолиятида 80 мингга яқин кўнгилли актив қатнашмоқда. Шуларнинг қарийб 16 мингги бошланғич ташкилотларнинг активларидир. Ҳозир аъзолар сони икки миллионга яқинлашиб қолди. Миқдор жиҳатидан бу жуда салмоқли кўринса-да ишимизнинг сифати бизни қониқтирган эмас.

Жамоатчилик кучи ҳар нарсага қодир эканлигини кўп мисолларда кўриб турибмиз. Пойтахтимиз марказида С. Есенин давлат музейи ишлаб турибди. Бир неча йил олдин бу маданий муассаса шаҳарнинг четида уч хоналик квартирада эди. Кейин халқ музейига айлантирилди, Иттифоққа донғи кетди. Хўш, нега шунақа музейлар Андижон ва Фарғонада, Бухоро ва Самарқандда очилмаяпти? Биз жойларда бўлганимизда ҳодимларимизга бу ҳақда кўп маслаҳат бердик, аммо уларнинг айримларида ташаббускорлик, ташкилотчилик, фидойилик етишмаяпти. Кўнгилли ёрдамчилар, маблағ ва имконият эса етиб ортади. Таниқли олимлар А. Қаюмов, Ш. Шомуҳамедов, С. Хан, Р. Бекжоновлар қимматбаҳо вақтларини аямасдан жамиятимиз ишларида қатнашиб келяптилар.

Афсуски, жамиятнинг мутасаддилари фаолларга ҳамиша ҳам «муносиб иш» топиб беролмайдилар, яъни улардан фойдаланиш йўлларини билмайдилар. Хуллас, жамоатчилик асосида ишлаш принципларини мустаҳкамлаш ва уни ҳамма жойда жорий қилиш ғоят зарур вазифамиздир.

Китобсеварлар жамияти уни таъсис этган ташкилотларга суяниб иш олиб боради. Маданият министрлиги, унинг жойлардаги органлари билан ҳамкорлигимиз яхши натижалар беряпти. Кутубхоналардаги китоб фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фаол иштирок қиляпмиз. Кутубхоналар билан биргаликда библиографияга оид материаллар, методик қўлланмалар тайёрлаб нашр қиламиз. Бироқ уларнинг сифати ҳар доим кўнгилдагидек бўлавермайди. Муаллифлар кўчирмачилик қилиб, баъзан ўқувчиларни ранжитишмоқда. Айрим брошюраларнинг тили оғир, жонли мисоллар йўқ, ташқи кўриниши ҳам сифатсиз.

Кейинги вақтларда ноширлар билан китобсеварлар орасида анча-мунча пропаганда ишлари ўтказилмоқда. Тематик планлар атрофида фойдали тортишувлар бўлмоқда. Бу соҳада «Юлдузча» нашриёти билан анча қалинмиз. Биргаликда адибларимиз ижоди ҳақида реклама материаллар нашр этяпмиз. Нашриёт ходимлари ўқув юртларига, меҳнат коллективларига бориб ўзларининг ижодий ишлари, келажакдаги режалари тўғрисида маърузали суҳбатлар ўтказишаяпти.

Бу йил жамиятимиз ташкил топганига 15 йил тўлади. Аминманки, шу вақт мобайнида унинг обрўси ва нуфузи ҳозиргига қараганда анча баландроқ бўлиши мумкин эди. Афсус шундай бўлмади. Бунинг сабаблари оз эмас. Энг асосийси кенг жамоатчиликни ўз сафларига қамраб олиш соҳасида астойдил иш олиб бориш ўрнига ялпи кўрсаткичлар, рақамлар кетидан қувиш пировард мақсад бўлиб келди.

Галдаги вазифа ҳар бир бошланғич шаҳар ва район ташкилотининг, ҳар бир халқ китоб магазини ва дўкони, китобсеварлар клубининг ишини тубдан яхшилаш, жамиятни таъсис қилган ташкилотлар, китоб пропагандасидан манфаатдор бўлган муассасалар билан ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат.

Ғ. ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон ССР Китобсеварлар жамияти раисининг биринчи ўринбосари.

Янграр озар гармони

Бундан уч ой бурун Хива шаҳар 5-болалар музика мактаби директори Озод Зарипов Бокуга бориб келган эди. Ана шундан кейин бу даргоҳда озар гармонининг овози янграй бошлади.

Аввало тарихдан икки лавҳа. 1939 йили Гавҳар Раҳимова ташаббуси билан Ўзбекистон ССР давлат филармонияси қошида гармончи қизлар ансамбли ташкил этилади. У асосан, хоразмлик гармончилардан, раққосалардан иборат бўлган. Уларнинг чиқишлари томошабинларда жуда яхши таассурот қолдирган. Афсуски, ансамблнинг умри узоқ бўлмади.

Бундан 22 йил муқаддам ушбу хайрли ишга хивалик З. Латипов қайтадан қўл уради. У ташкил этган 30 кишидан иборат гармончи ва раққоса қизлар Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган Хоразм области маданият кунларида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Лекин негадир орадан бир оз вақт ўтгач, ансамблнинг фаолияти тўхтади.

Тўғри, воҳа санъатида гармончи аёллар, яъни халфачилик санъати алоҳида ўрин тутиб келган. Бу ерда яшаб ижод қилган Онажон Собирова, Онабиби Отажонова ўзига хос мактаб яратишган. Вироқ улар ва бошқа халфалар санъати асосан якка тартибда ўрганилиб бу соҳадаги бой мерос умумлаштирилмай, малакали мутахассислар раҳбарлигида ёшларни тарбиялашга унчалик эътибор қаратилмай келинарди. Озод Зариповни худди шу ташвишли манзара анча ўйлантириб келарди. Ниҳоят бир пайтлар отаси амалга оширган ишни қайтадан бошлашга аҳд қилди.

— Мактабимизда гармончи қизлар синфини очишга қарор қилдик, — дейди О. Зарипов. — Бунинг учун биринчи навбатда гармоннинг ўзини топиш зарур эди. Маълумки, у на Хоразмда, на республикамизнинг бошқа жойларида ясалади. Мушкулимизни осон қилишда Ўзбекистон ССР халқ артисти Г. Раҳимова яқиндан кўмак берди. У кишининг тавсиясига биноан Бокуга бориб, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли композитор Озер Рзаевга учрашдик. Дўстларимиз бизлар учун махсус 9 та гармон тайёрлаб беришди. Шу тариқа Хивада гармончи қизлар синфи вужудга келди. Ҳозир унда 12 талаба таҳсил оляпти. Шу ўринда бир нарсани қайд этишни истардим. Озарбайжондаги болалар музика мактабларида миллий чолғу асбобларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилар, уни кенг ривожлантириш учун пухта ғамхўрлик кўрсатилар экан. Қардошларимиздан бу борада кўп нарсани ўрганиш мумкин. Биз бу йўналишда дастлабки қадамни қўйиб Боку шаҳридаги бир қатор болалар музика мактаблари билан дўстлик алоқаларини ўрнатдик. Ўйлайманки, агар бу соҳада иккала республика музика мактаблари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, министрликлар даражасида йўлга қўйилса, жуда фойдали иш қилинган бўлур эди.

Таъбир жоиз бўлса, ўзбек ва озар музика санъатини бир улуғ дарёдан сув ичаётган икки чиноргa қиёслаш мумкин. Шундай экан, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги қанчалик мустаҳкам бўлса, икки халқ маданиятининг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси шунчалик самарали бўлиши турган гап. Ҳақиқатан ҳам, хивaликларнинг ташаббуси ибратли. Умид қиламизки, озар гармонида таҳсил олаётган ўзбек қизларининг келгуси парвози юксак бўлади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

● **НАМАНГАН** вилоят газламалар комбинатига қарашли санаторий-профилакторий дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. Корхона 100 кишига мўлжалланган 4 қаватли бинони ўз кучи билан қурди. Бу ерда медицина ходимлари билан биргаликда жами 30 киши ишлайди. Комбинат ўз ходимлари учун йўлланма пулини ҳам ўзи тўлайди. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги профилакторийга сабзавот ва мева етказиб бермоқда.

● **САМАРҚАНДДАГИ** «Кинап» заводининг ветеранлари ҳар ойда пенсияларига 20 сўмдан қўшимча пул ола бошладилар. «Корхонамизда камида 25 йил ишлаган одамлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари пенсияларига қўшимча олишга ҳақлидирлар. Бу пулни моддий рағбатлантириш фондидан тўлаяпмиз, — деди завод директори В. Шихов. — Заводимизда ҳамиласи бўлиб бир юз элликка яқин одамга ана шундай китнёз берилган».

● **ҚАРШИ ДАШТИДАГИ** Шўртон газ конида янги ишга туширилган қурилмаларнинг лойиҳадаги қувватларини жадал ўзлаштириш магистрал газ қувурлари орқали ёнилғи жўнатишни анча кўпайтиришга имкон берди. Ўзбекистон ҳамда Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг корхоналари ва уй-жой кварталлари йил бошидан буён программада кўзда тутилганига қўшимча равишда 130 миллион кубметр газ олдилар. Умуман Шўртон газ комплекси газ чиқариш ва ёнилғи жўнатиш графигидан тўрт кун ўзиб кетди. (ЎзТАГ).

СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

СПАРТАКИАДА:

НАФОСАТ БАЙРАМИ

Ғаллаоролда янги фойдаланишга топширилган спорт комплексида Ўзбекистон қишлоқ хотин-қизларининг XV спартакиадаси бир ҳафта давом этди. Спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда ҚҚАССР ва республика областларидан келган спортчи хотин-қизлар ўзаро баҳслашдилар.

Спартакиада мусобақаларини кунлари кўнгилочар тадбирлар ҳам уюштирилди. Сурхондарё ва Хоразм областларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари бу борада ибрат кўрсатишди. Тошкент райони спортчиси Гулчеҳра Шерматова «Балли, қизлар» кўригида ўзининг ҳозиржавоблиги, топқирлиги билан бир қаторда, моҳир сут соғувчи эканини ҳам намойиш этди. Команда ҳисобида Тошкент, Фарғона ва самарқандлик қизлар муваффақият қозонишди.

Волейбол ва шашка бўйича мусобақаларда Андижон области командаси аъзолари ғалабани қўлга киритишди. Шахмат тахтасида дона суриш бўйича қорақалпоқ қизларига ҳеч ким бас келолмади. Велосипед пойгасида бухоролик-лар маҳорат кўрсатишган бўлишса, стол тенниси баҳсларида Тошкент области вакиллари биринчиликни олишди. Ҳаваскор туристларнинг чиқишида самарқандлик-лар ғолиблик супасига кўтарилдилар. Сирдарё спортчилари ГТО нормативларини топширишда намуна бўлишди.

Умумкоманда ҳисобида Тошкент области спортчилари спартакиада чемпиони бўлишди. Сирдарё ва Андижон областларининг командалари фахрли иккинчи-учинчи ўринларни олдилар. Шахсий ҳисобда стол тенниси бўйича Л. Ким билан Е. Огай, сут соғувчилардан Ф. Ҳасанова, Д. Ҳосилова, Г. Алиевалар ғалаба завқини сурдилар.

Ғаллаоролда якунланган спартакиадада 400 га яқин қишлоқ хотин-қиз спортчиси иштирок этди. Стадион ҳар куни гавжумлашиб турди. Спортчи қизларнинг турли мусобақалар бўйича чиқишлари ўзига хос нафосатга айланди. Спартакиада жойларда хотин-қиз спортчилар сафи кенгайиб бораётгани, жисмоний тарбия билан шуғулланишга шароитлар яратилаётгани, ёшлар оммавийликдан маҳорат сари қадам ташлаётганини кўрсатди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



● *Реклама ва эълонлар* ●

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИРРИГАЦИЯЛАШ ВА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга СССРнинг 34 ёшгача бўлган, тўлиқ ўрта маълумотли гражданлари — илғор ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан истеъфога бўшатилган кишилар, колхозлар, совхозлар, корхоналар ва ҳарбий қисмлар командирлигининг йўлланмалари билан қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берилаётган дақиқада икки йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлишлари лозим.

Тайёрлов бўлимига йўлланма билан келган кишилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ректор номига ариза, корхона, ташкилот, колхоз, совхоз, ҳарбий қисм командирлигининг йўлланмаси, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган), медицина справкаси (086/У форма), 10 дона фотосурат (3x4 см.).

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

АРИЗАЛАР — 1989 ЙИЛНИНГ 1 ОКТЯВРИДАН 15 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга кирувчилар уларнинг тайёрлов бўлимида таълим олишга қанчалик тайёр эканликларини аниқлаш мақсадида математика ва физикадан суҳбатдан ўтадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1989 ЙИЛ 1 ДЕКАВРДАН БОШЛАНАДИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 8 ОЙ.

Тайёрлов бўлимига юқорида санаб ўтилган шахслардан ташқари, умумий таълим мактабларини битириб чиққан ўқувчилар — 1989 йилда мактабни тамомлаган, ўқувчилик бригадалари, ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари ҳам қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирганлар ётоқхона, ойига 40 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган тингловчилар кириш имтиҳонларисиз институтнинг 1-курсига қабул қилинадилар.

Адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори Ниёзов кўчаси, 39-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳисоблаш маркази бўлган «КИБЕРНЕТИКА» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли
КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 1989 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳисоблаш математикаси, математик кибернетика, роботлар ва манипуляторлар, техника системаларида бошқариш, ҳисоблаш техникаси ва бошқариш системаси элементлари ва уларнинг қурилиши, автоматлаштирилган бошқарув системаси, тармоқлар бўйича технология жараёнлари ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, биология ва медицина системаларида бошқариш, социал ва иқтисодий системаларда бошқариш, ҳисоблаш машиналари ва системаларини математик ва программавий таъминлаш, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш системалари, ҳисоблаш машиналари, комплекслари, системалари ва тармоқлари, илмий-тадқиқот ишларида ҳисоблаш техникаси ва математик методларни қўлланиш, математик методлар, иқтисодий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини қўллаш.

Аспирантурага «Илмий педагогик ва илмий кадрлар тайёрлаш ҳақида»ги Низомнинг 37, 38-бобларига биноан қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР — 1 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонларига рухсат бериш ҳақидаги ариза институт директори номига ёзилиб, ҳужжатлар билан бирга қуйидаги адресга жўнатилсин: 700143, Тошкент шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 34-уй, аспирантура. Телефон — 62-70-93, 27-хона 3-қават.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ЎҚИТИШ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ректор, кадрлар малакасини ошириш ва қайта ўқитиш бўйича проректор, илмий-методик ишлар бўйича проректор.

Конкурсда илмий даража ва унвонга, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш соҳасида раҳбарлик ва ўқитувчилик малакаси ва иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша оладилар.

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАЛАРИ БЎИИЧА:

мудир — профессор, фалсафа фанлари доктори (фалсафа фанлари кандидати доцент);

доцентлар (иқтисод фанлари кандидати, фалсафа фанлари кандидати);

катта ўқитувчилар (тарих фанлари кандидати, юридик фанлар кандидати).

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ:

катта ўқитувчи: (педагогика фанлари кандидати, таълим рус тилида олиб борилади).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Адрес: 700100. Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 64-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ 15 КУН.

Ҳужжатлар конкурслар ҳақидаги низомга мувофиқ қуйидаги адресга жўнатилсин: 700135, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, «И» квартали, «Правда» газетаси кўчаси, 28-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ГЕОГРАФИЯ БЎЛИМИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кичик илмий ходим: комплекс, регионал географик прогноз лабораторияси (3);

кичик илмий ходим: табиатни муҳофаза қилиш лабораторияси (1);

илмий ходим: табиатни муҳофаза қилиш лабораторияси (1).

Конкурс муддати — 17 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: 700052, Тошкент шаҳри, Обсерватория кўчаси, 85-уй. Телефонлар — 35-04-80, 35-04-70, 35-03-81.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллегияси, раҳбарлиги ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон Театр арбоблари союзининг раиси В. Р. Қориевага отаси

Раҳим Мажидович ҚОРИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

ИККИ ТОМОН МАНФААТДОР

Хоразм области ҳамда РСФСРнинг Кострома области меҳнаткашлари дўстлик ва иқтисодий алоқаларини кенгайтириб юбордилар. Ўзаро манфаатдорлик негизидаги бу ҳамкорлик натижасида ҳар иккала томон турли товарлар алмашадилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бир-бирларидан ҳарид қиладилар.

Хоразм областининг Шовот районидаги «СССР 60 йиллиги» совхози Кострома область Галич районидаги «Искра» колхозининг олис территориясидан бир қанча гектар ерни ижарага олди. Бу ерлар аҳолининг камлиги туфайли ташландиқ ҳолга тушиб қолган эди. Бу ерда «Хоразм» номи билан кооператив тузилди. Ўзбекистондан механизаторлар, чорвадорлар ва бошқа мутахассислар келишди. Ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, ўзбекистонликлар омилкорлик билан ишга киришдилар. Майдонларнинг бир қисмига картошка экилди, ферма ташкил этилди, гўшт ва сут тайёрлаш йўлга қўйилди. Кооператорлар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг бир қисмини шартномага мувофиқ колхозга топширмоқдалар. Қолган қисмидан эса ўзлари фойдаланмоқдалар.

Ҳозирги кунга келиб «Хоразм» кооперативининг дастлабки муваффақиятлари ҳақида илиқ гаплар айтилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг шу пайтига нисбатан сут ишлаб чиқариш 104 тонна ортди. Гўшт тайёрлаш ҳам анча кўпайди. Кооператив аъзолари келажакда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Суратда: (чапдан) «Хоразм» кооперативининг механизатори Ихтиёр Қаландаров, «Искра» колхозининг раиси Борис Сергеевич Протасов ва «Хоразм» кооперативининг бош инженери Икром Кўчқоров.

Б. ЮСУПОВ сурати (ЎзТАГ).

ЯХШИ ДАМ ОЛИШДИ

Афғонистонлик мактаб ўқувчиларининг Сурхондарёда дам олган сўнгги группаси Амударё устига қурилган дўстлик кўприги орқали ватанига қайтди. Афғонистон Республикасининг турли вилоятларидан келган 1230 бола Ўзбекистоннинг чегара областидаги энг яхши пионер лагерларида бир ой мириқиб дам олди. Улар ўзларининг Совет Иттифоқидаги тенгдошлари билан туристик саёҳатларга чиқишди, областнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди, турли доривор ўсимликлар тўплашди. (ЎзТАГ).

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

● *Фельетончи йўлга чиқди*

МАСАЛА ОЧИҚ ҚОЛДИ

Эрталаб Тошкент шаҳридан йўлга чиққан автобус олис йўл босгач, Сирдарё кўпригидан ўтди. Бу ёғи бир неча районни ўз ичига олган катта областга қарайди. Эҳ-ҳе, Самарқанд области чегарасигача озмунча ер борми?! Кўз илғамас бепоён чўлларда, тоғ-тошларда, боғ-роғларда меҳнаткаш одамларнинг толмас қўлларини, ақлу заковатини, билимдонлиги ва тадбиркорлигини кутиб турган юмушлар озми? Ҳа, бу воҳада ҳеч ким ишсиз қолмайди. Айниқса, олим киши! Шундай экан, пахтачилик бўйича етук мутахассис Ҳабибулло Холйигитовнинг қадрига нега етишмаяпти? Нима учун уни бир чеккага суриб қўйишибди?

Автобус бир томони уфққа туташиб кетган бепоён далалар оралаб бормоқда. Қўлимда ўттиз варақдан иборат хат. Сўнгги саҳифаси охирига: «Ҳ. Холйигитов. Пахтачилик звеноси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди», — деб ёзиб қўйилган. Хўш, олим киши звенони бошқарса нима қилибди? Бир қарашда бу оддий ҳақиқатдай бўлиб туюлади. Аслида ундай эмас. Ҳабибулло кенг қулоч ёйгиси ва ўзи яшаб турган Ворошилов номли совхозда деҳқончилик ишларини яна ҳам ривожлантиришга ҳисса қўшгиси келади.

Ҳабибулло Холйигитов ҳақида бироз тасаввурга эга бўлиш учун унинг редакцияга ёзган хатидан қуйидаги парчани ўқиб кўрайлик:

«Камбағал деҳқон оиласида дунёга келганман. Ҳарф танимаган раҳматли отам Холйигит менинг илмли бўлиб камол топишимни орзу қиларди. Отам саксон ёшида оламдан ўтди. Бу пайтда мен Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетида ўқирдим. 1971 йилда ўқишни имтиёзли диплом билан тугатиб, Сирдарёда янги очилган совхозда катта агроном бўлиб ишлай бошладим. 1972 йил мартда Бутуниттифоқ селекция ва уруғчилик институтининг аспирантураси кундузги бўлимига ўқишга кирдим. 1978 йилда ғўзанинг айрим проблемаларига бағишланган кандидатлик диссертациямни ёқладим.

Лекин ўй-хаёлларим ўзим вояга етган Мирзачўл даштларида — бепоён пахта далаларида эди. 1980 йилда Сирдарёга қайтиб, область агросаноат комитетида катта агрономлик вазифасида ишлай бошладим. Амалий ишдан кўра бу ерда қоғозбозлик кўпроқ эди. Ўз фолиятимдан қаноатланмадим. Шу боисдан 1981 йилда Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхознинг бўлимларидан бирига катта агроном бўлиб бордим. Шу вазифада тўрт йил ишладим, КПСС сафига ўтдим.

Эл-юртда обрў-эътиборим орта борди. 1985 йилнинг февралида мени Оқолтин район партия комитети қишлоқ хўжалик бўлими мудирлигига тайинлашди. Икки йил чамаси шу вазифада ҳормай-толмай ишладим. 1987 йил бошларида район партия комитетининг тавсияси билан аввал ўзим ишлаган Ворошилов номли совхоз директор бўлиб бордим. Хўжалик ниҳоятда оғир аҳволда эди. Уни кўтариш учун ҳаракат қилдим. Афсуски, орадан етти-саккиз ой ўтар-ўтмас ишдан бўшаш учун ариза ёздим. Район партия комитетининг собиқ биринчи секретари П. Йўлдошевнинг тинмай кўрсатган тазйиқи мени шунга мажбур этганди. Ўртоқ П. Йўлдошев-нинг нима сабабдан менга нисбатан ноҳақлик қилганини ҳамон тушуна олмаяпман».

Кўп ўтмай Сирдарё область агросаноат комитетининг етакчи мутахассиси Қорақул Омаров билан бирга Оқолтин районига жўнадик. Қорақул ака дилкаш киши экан.

— Ҳабибуллони яхши биламан, — деди ўртоқ Қ. Омаров йўлда борар эканмиз. — Сирдарё область агросаноат комитетида бирга ишлаганмиз. Билимли, тиришқоқ, ишчан йигит. Нима учун шундай мутахассисдан фойдаланишмаётганларига ҳайронман. Ахир, бундай мутахассисларга областимиз жуда муҳтож-ку!

Оқолтин район партия комитетининг биринчи секретари Н. Ёқубов бизни самимий кутиб олди.

— Ҳабибулло Холйигитовга район агросаноат бирлашмаси бош агрономлиги вазифасида ишлашни тавсия этдик, кўнмади, — деди ўртоқ Н. Ёқубов.

Совхозга етиб бордик. Бош агроном Уммат Жўраев бизни боғ-гулзор ўртасидаги шийпонга жойлаштирди. Хўжалик довруғини элга таратган директор Худоёр Латипов (ҳозир у Зомин районидаги «Тараққиёт» совхози «Боғистон» богдорчилик кооперативи раиси) қурдирган эди бу бинони. Эҳ-ҳе, не-не йигинлар ўтказилмаган дейсиз шу кошонада?! Энди-чи, қаровсиз ётибди. Халқнинг неча минг сўмлаб пули сарф этилган сон-саноқсиз ашёлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан ранг босиб кетибди.

Ертўлани ва юқори қаватни кўздан кечириб, ниҳоятда ачиндик. Наҳотки, соя-салқин жойдаги шу шинам бинони совхоз қариялари ва ветеранлари ҳордиқ чиқарадиган оромгоҳга айлантириш мумкин бўлмаса?

Қорақул ака икковимиз шийпондан унча олис бўлмаган олмазорни кўздан кечирдик. Боғни қалин қамиш қоплаб кетибди. Қаровсиз қолганидан қовжираб ва шоҳлари синиб ётган довдарахтлар анча. «Боғни боқсанг боғ бўлар, боқмасанг кўнглингга доғ бўлар», — дейди отахонларимиз. Биз совхоз бухгалтериясида бўлиб, ҳужжатларни кўздан кечирар эканмиз, ўтган йили олмадан 20 минг сўм зарар кўрилгани маълум бўлди. Бошқа тармоқлар-чи? Қолоқлик ботқоғи ботиб қолган хўжалик 1988 йилда сабзавотдан 5 минг сўм, картошкадан 9 минг сўм, узумдан 7 минг сўм, беда пичанидан 11 минг сўм зарар кўрибди. Ўтган йили чорвачиликдан келган зарар 421 минг сўмга етибди. Пахтачиликдан план бўйича 2 миллион 347 минг сўм даромад қилиниши керак бўлгани ҳолда бу 1 миллион 474 минг сўмни ташкил этибди. Хуллас, на директор Сулаймон Ибрагимов, на бош агроном Уммат Жўраев ва на хўжаликнинг бошқа раҳбарлари ўтган йил натижалари билан мақтана олмайдилар.

Биз хўжаликда бўлганимизда кишилар унумдор ерларнинг, ҳатто, бедапоялар-нинг ҳам талон-торож қилинаётгани ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Далама-дала юриб, текшириб кўрганимизда, бу гап рост бўлиб чиқди.

— Ерларнинг талон-торож қилинаётгани ҳақида район партия комитетига ва район прокурорига шикоят ёзганман, — деди озуқа тайёрлаш бўлимига қарашли тўққизинчи бригада бошлиғи Шерқўзи Ҳакимов. — Келиб ерларни ўлчаб кетишди. Билмадим, оқибати қандоқ бўларкин? Балки ёпти-ёпти қилиб юборишар.

Очиғини айтганда, бизнинг ташрифимиз совхоз раҳбарларига, айниқса, бош агроном Уммат Жўраевга ёқиқирамади. У Ҳабибулло Холйигитов ҳақида аччиқланиб гапирди:

— Бу киши ишламасдан пул олувчи! Директорликдан бўшагандан кейин звеновой бўлиб ўтди. Лекин бир кун ҳам ишламаган, ойлик олган, холос. Бу текинхўрлик эмасми?! Партиямизнинг қарорларида, ишламасдан тишласин, дейилганми? Менинг тушунчам бундай эмас. Ҳамма плеяум, конференция ва депутатлар съездида ҳар бир коммунист ўз ишини қайта қурсин, авангард бўлсин, ҳар бир коммунист саноатда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа ишда айтиб ўтиш керакки, Холйигитов бўлимдаги бошқа бригадаларга ҳам экинларни парвариш қилиш ҳақида қимматли маслаҳатлар бериб туради. Яхши олим бўлиш билан бирга яхши мутахассис ҳам.

Хўш, энди кимга ишониш керак? Уммат Жўраев билан Сулаймон Ибрагимовга-ми ёки Раҳматулла Маматқуловга?

Эртаси куни туш палласи-да шийпон олдида ўтириб-ган эдик, бир йигит келиб қолди.

— Мева тераётган аёллардан мухбир келганмиш Холйигитовнинг иши бўйича, деб эшитиб қолдим, сизлар мухбирми? — газабланиб сўроққа тутди у.

— Ҳа...

Йигит ўзини таништирди. У совхоз ёнилғи-мойлаш бўлими мудири Раззоқ Аллаёров экан.

— 1987 йил январида совхозга ишга келганман, — дея сўз бошлади Р. Аллаёров. — Ўртоқ Холйигитов директор экан. У билан қисқа вақт бирга ишладим. Лекин мен унинг жуда яхши инсон, яхши мутахассис эканлигини билдим. Уни номаълум сабабларга кўра ишдан олиб ташлашди. Бир неча бўлим бошқарувчилари билан бирга Сирдарё область партия комитетига арз қилиб бордик. «Йқин орада чора кўриб, сизларга хабар қиламиз», — дейишди. Ҳануз ҳеч қанақа жавоб йўқ. Холйигитов ҳали ҳам совхоздан ўзига муносиб иш ололмай юрибди.

— Мен оддий бир инсон сифатида жуда билгим келади, — деди суҳбат охирида масалани кескин қўйиб Р. Аллаёров. — Нима учун, нима сабабдан яхши мутахассис, фан номзоди иш билан таъминланмайди?! Ахир, ўта ноҳақлик-ку, бу!

Ворошилов номли совхозда уч кун бўлдик. Кўпчилик бизга ана шу саволни берди. Очиғини айтиш керак, Ҳ. Холйигитовни хўжаликда деярли ҳамма чин инсон, яхши мутахассис сифатида беҳад ҳурмат қилар экан. Ҳ. Холйигитов бизга ёзган арзномасида ўзига нисбатан қилинаётган ноҳақликларни куйиб-ёниб баён этган. Бундай арзномани у область партия комитетига ҳам топширган эди. Ҳамма жойда адолат, демократия устун келаётган ҳозирги қайта қуриш даврида, наҳотки, совхоз бош агрономлиги лавозимига сайлов ўтказиб, Ҳ. Холйигитовнинг номзодини ҳам қўйиш ва унинг омадини синаб кўриш мумкин бўлмаса?

Хуллас, Ҳ. Холйигитов масаласи ҳамон очиқ турибди. Бу эса ўз навбатида аризабозликлар, ортиқча оворагарчиликларга сабаб бўлмоқда...

Усмон ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматда босилади.

Р. — 11916. Б. — 198. ИНДЕКС 64563. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12